



Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатхонага кираётганларида: «Аллоҳумма инний аъзузу бика минал хубси вал-хабаиси» {«Аллоҳим, эркак ва урғочи шайтонларнинг ёмонлигидан, ўзингдан паноҳ тилайман!»} -дер эдилар

Анас разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатхонага кираётганларида: «Аллоҳумма инний аъзузу бика минал хубси вал-хабаиси» {«Аллоҳим, эркак ва урғочи шайтонларнинг ёмонлигидан, ўзингдан паноҳ тилайман!»} -дер эдилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожат чиқариш ёки бавл қилиш учун ҳожатхонага кирмоқчи бўлсалар Аллоҳ таолога илтижо қилиб эркак ва урғочи шайтонларнинг ёмонлигидан паноҳ сўрар эдилар. "Хубс ва хобаис" сўзи нажосат ва ёмонликлар деб ҳам тафсир қилинган.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3150>

